БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 185 (4284)
14 АВГУСТ 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Конго Халқ Республикасининг миллий байрами ва мамлакат мустақил деб эълон қилинган куннинг 20 йиллиги муносабати билан Конго меҳнат партияси Марказий Комитетининг Раиси, Конго Халқ Республикасининг Президенти ва Министрлар Советининг Раиси Дени Сассу-Нгессога ва Конго Халқ Республикасининг Бош министри Луи-Сильвэн Гомага табрик телеграммасини йўлладилар.

✦ Сингапур Республикасининг Бош министри Ли Куан Ю Совет ҳукуматининг таклифига биноан шу йил август ойининг иккинчи ярмида расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

✦ 1980 йил 12 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос— 1205» учирилди.

Йўлдош бортида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

✦ «Ишлаб чиқариш интизоми» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

СУРЪАТ ТЕЗ, СИФАТ ЯХШИ

Кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида «Уртоқ» кондитер фабрикаси коллективи меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Коллектив жами маҳсулотнинг қарийб ярмини давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқаряпти. Шу кунларда корхона меҳнат аҳли КПСС XXVI съездига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлашга интилиб, меҳнат суръатини ошираяпти. Ушбу суратларда: ирис цехининг илғор ишчиси Тожихон Эргашева (юқорида) ва корхонада янги очилган санич-резина участкасининг илғор машинистлари (пастдаги суратда чапдан-ўнгга) С. Саъдуллаева ва Ф. Галимовани кўриб турибсиз.

М. Тўйчиев фотолари.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР— ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ТАҲСИНГА САЗОВОР

Пойтахтимиздаги «ТТЗ-4» янги массиви кундан-кун чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда қурилаётган янги уй-жойлар, маданият ўчоқлари ва маъмурий бинолар массивнинг умумий кўринишига мос тушиб, тобора уйғунлашмоқда. Массивда меҳнат қилаётган қурилиш бригадалари қурилаётган бинолар сифатини яхшилашда таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширмоқдалар.

ана шу янги массивда

БУГУН

тракторчилар учун яна бир 9 қаватдан иборат 224 ўринли ётоқхона фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Тракторчиларнинг янги масканини «Главташкентстрой» 4-трестига қарашли 18-қурилиш бошқармасининг С. Секюд ва Н. Комиссаров бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари қуришди. Ётоқхонага пардозлаш тресги ҳамда 43-қурилиш бошқармасининг бригадалари сайқал беришди. Бу ётоқхона тракторчилар учун қурилган истиқомат масканининг иккинчисидир.

ПРОСПЕКТ ЧИРОЙИ

Пойтахтимизнинг янги бунёдга келаётган «Халқлар дўстлиги» проспекти деярли кунма-кун қад ростламоқда.

БУГУН

ана шу проспектда «Главташкентстрой» 153-трестига қарашли 39-қурилиш бошқармасининг Г. Зайниддинов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси яна бир беш қаватдан иборат 64 квартирали турар жой биносини фойдаланишга тахт қилиб қўйди. Бригаданинг М. Абдуллаев, Г. Раҳматуллаев каби қурувчилари фидокорона меҳнат қилиб, кунлик нормаларини 20— 25 процентга ошириб бажаришга эришдилар. Бинога мазкур трестнинг пардозлаш бригадалари сайқал беришади.

Турар жой биносининг биринчи қаватида очиладиган «Гастроном» магазини бу ерга кўчиб ўтганларга хизмат қилади.

М. ФЕЛЬДМАН.

ИШЧИ мухбирлар пости хабар беради

ҚИШЛОҚҚА— САМАРАЛИ ЁРДАМ

Деҳқонлар учун энг қизғин, энг масъулиятли давр— «оқ олтин» йиғим-терими мавсуми яқинлашиб келяпти. Бепоён пахтазорларда юқори ҳосил усталари томонидан ардоқлаб парваришланаётган ғўза тупларида «оқ олтин» ҳосили— Ўзбекистоннинг асосий қишлоқ хўжалиги экини етилаяпти. Унинг бир чаноғини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш энг муҳим вазифадир.

Бунда энг ишончли ёрдамчи пахта териш комбайнидир. Улар республикамиз пойтахтидаги «Ташсельмаш» заводида тайёрланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарининг байроқдори бўлган бу завод ишчилари КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил), июнь (1980 йил) Пленумлари қарорларига амалий жавоб бериб, қишлоққа кўплаб техника етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Машинасозлар коллективи олдига қўйилган мураккаб вазифаларни қандай амалга ошираяпти?— Пахта териш комбайнлари ишлаб чиқаришнинг боришини оператив ёритиш мақсадида корхонада ташкил этилган ишчи мухбирлар постининг биринчи материали шунга бағишланади.

ТУ—154 НУКУСДА

Самолётга чиқишингизни сўраймиз. Ана шу анъанавий гап Тошкент — Нукус — Тошкент рейсини бошлаган ТУ—154 самолётининг йўловчиларига илк бор эшитилди. Кўп ўринли ҳаво кемаси республикадаги энг узун маршрутда йўловчи ва юкларни яхшироқ ташишга имкон беради. Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг биринчи класс учувчиси В. Гаврилов бошчилигидаги экипаж бошқарган лайнер Қорақалпоғистон пойтахтига учиб бориши учун атиги бир соат кифоя қилди.

Самолёт бу ерга байрам куни—қурувчилар куни учиб келганлиги бежиз эмас. Нукус аэропортида қурувчиларнинг фидокорона кучғайратлари билан кўп юк кўтарадиган ҳаво лайнерларини қабул қила оладиган учиш йўли қурилди.

Зинапоя келтирилди. Стюардессалар Людмила Ризқулова билан Ольга Трубицина биринчи йўловчини кутиб оладилар. Анъанага кўра, унга бепул билет топширилди. Кегайли районидаги Жуманазаров номли совхознинг механизатори Халқназар Бекназаров бу билет эгаси бўлди.

Шундай қилиб, Тошкент — Нукус — Тошкент трассаси республикада ТУ—154 самолётлари хизмат кўрсатаётган еттинчи ҳаво йўли бўлди.

(ЎзТАГ).

Конвейер тўла қувватда ишласин

«Ташсельмаш» заводи машинасозлари августнинг биринчи ўн кунлигини РСДРП (б) VI съездига бағишлаб, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида зарбдорона меҳнат қилдилар. Партия VI съезди шарафига меҳнат вахтаси байроғини кўтариш ҳуқуқи 10-тайёрлаш-пресслаш цехи коллективи вакилларига берилди. Бу коллектив июль ойида мусобақа ғолиби бўлди, ўтган ой ишлаб чиқариш графигини бажарди.

Пахта йиғим-терими учун қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш билан банд бўлган корхонада шу кунларда «КПСС XXVI съездига— 26 зарбдор декада» шиори остида оммавий социалистик мусобақа бошланди. Мусобақанинг бош шарти машиналар ишлаб чиқариш бўйича ягона графикни бажаришдан иборат.

Завод июль ойи планини муваффақиятли адо этиб, колхоз ва совхозларга 730 пахта териш машинаси юборди. Булар икки маркадаги: ингичка толали пахтани терадиган ва табақалаб терадиган машиналардир.

Мусобақа ғолиби бўлган 10-цех коллективи август ойидаги муваффақиятли меҳнати учун яхши шарт-шароит яратди. Бу ерда, тайёрлаш участкасидан пахта териш техникасини ишлаб чиқаришнинг технологик «занжири» бошланади.

Бу ерда тайёрлаш участкасининг катта мастери Т. Григорьев ва ҳаво ўтказиш қувурларини пайванд қиладиган участка мастери Н. Рясова айниқса намуна бўлишди. Пайвандчилар А. Кобілов ва В. Меркулов смена топшириқларини ортиғи билан адо этишди. Август «ташсельмашлик»лар учун алоҳида ойдир. Бу ойда «ХНП—1,8» маркали пахта териш машиналарини ялпи ишлаб чиқаришга ўтиш бошланади. Подборни ҳам терадиган аппарати бўлган бу машина бу йилги пахта териш мавсумида қатнашади.

Дарвоқе, «ташсельмаш»ликлар учун енгил ой бўлмайди. Ўтган йилнинг августини эслайлик. Қисқа муддатда пахта йиғим-терими мавсумига «ХНП — 1,8» маркали машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштириш зарур эди. Подборщик ва пневмотранспорт системасини тайёрлашда бир мунча қийинчиликлар мавжуд эди.

Бу машинани пахтакорлар бесаброк билан кутишаётган эди. Завод ишчилари буни тушуниб, 1979 йилдаги мажбуриятларига шундай деб ёзиб қўйишганди: «Пахта йиғим-терими мавсуми бошлангунга қадар янги маркадаги машинадан камида 750 та ишлаб чиқарамиз». Бутун коллектив зўр бериб меҳнат қилди ва пахтакорларга, Ватанга берилган ваъда бажарилди.

Мана, энди 80 йилнинг пахта терими мавсуми бошланяпти. Олдинга яна мураккаб вазифа қўйилди: республика деҳқонларига 15 сентябрга қадар яқинда Сифат белгисини олган «ХНП—1,8» пахта териш машинасидан 450 та етказиб бериш лозим.

Партия XXVI съезди шарафига бошланган меҳнат вахтаси дастлабки муваффақиятларни келтиряпти, янги ташаббуслар ва ҳаракатлар пайдо бўляпти. «Йиллик топшириқни 7 ноябргача бажарамиз» — 15-цехдаги токарь Ю. Степаненко бошлиқ бригада шундай қарор қилди. 14-цех созловчиси О. Карпова йиллик планга қўшимча 10 мингта деталь тайёрлаб бериш мажбуриятини олди.

● ПОТОКДА — ЯНГИ МАШИНАЛАР ● ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЮКСАК СУРЪАТНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ ● ШЕРИКЛАР—«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ВА ТРАКТОР ЗАВОДЛАРИ ПАНД БЕРИШЯПТИ.

Ҳосил учун кураш умумхалқ вазифасидир. Бу ишда Иттифоқимизда пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган ягона корхона бўлган бизнинг заводимиз коллективининг роли салмоқлидир. «80-йил пахтаси учун курашдаги бизнинг вазифамиз ХНП— 1,8 маркали машиналарни ишлаб чиқаришга тезроқ ўтиш ва ундан планга қўшимча тайёрлашдан иборатдир»,— дейилади корхона дирекцияси, партия, касаба союз комитетларининг завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига мурожаатида.

«Ташсельмашлик»лар ҳар қандай мураккаб ва масъулиятли вазифаларни бажаришга қодир эканликларини кўп марталаб исботлаганлар. Бу гал ҳам улар пахтакорлар олдидаги ўз бурчларини бажариш йўлида бутун куч-қувватларини сарфлайдилар.

Бироқ, машинасозларни таъминотчиларнинг иши ташвишлантиряпти. Айниқса «Узбексельмаш» заводи чўян қуймаларни бир маромда етказиб бермаяпти.

«Узбексельмаш» СА — 2306» типидаги деталлар билан ҳам ёмон таъминлаяпти. Жумладан, июль ойида бундай деталлардан 17,5 мингтаси етказиб берилмади. Июлнинг биринчи ўн кунлигида «сепаратор» деб аталган, кўп қисми эҳтиёт қисм сифатида агрегатларни тиклашда ишлатиладиган деталлардан етарли етказиб берилмади. Подшипниклардан ҳам танқислик сезиляпти.

Чўян қуймалар бир маромда етказиб берилмаётганлиги туфайли «ташсельмаш»ликлар комплектлашмаган узеллар ва машиналарни йиғишга мажбур бўлишяпти, кейин эса етишмаётган деталлар олингач, бу иш яна давом эттказилади. Бу машиналар йиғишда ишни мураккаблаштиради, меҳнат унумдорлигини пасайтиради, сифатини ёмонлаштиради.

Бундан ташқари «Узбексельмаш» чўян қуймани жуда сифатсиз қилиб, ўта қаттиқликда етказиб беряпти. Бу деталларни қайта ишлашда меҳнат унумдорлигини пасайтиради, кўплаб махсус асбоблар бўлишини тақозо этади.

Саранскдаги резина-техника заводи ҳам ишга тўсқинлик қиляпти. У маҳсулот етказиб бериш планини 70-80 процентгина бажармоқда.

Трактор заводи штамповкаларни бир маромда етказиб бермаётганлиги ҳам ташвишлантирмаяпти. Штамповкалар етказиб бериш бўйича корхона ўтган йилги қарзларини узгани йўқ. Бу йилнинг етти ойида эса корхона 237 тонна штамповка бермади.

«Тошкент оқшоми» ишчи мухбирлар пости— кўп нусхали «Ташсельмашевец» газетаси редколлегияси:

Р. БЕССОНОВА,
кўп нусхали «Ташсельмашевец» газетаси редактори.
В. ВАСИЛЕНКО,
14-цех слесари.
Н. ЗИНОВЕЦ,
ишлаб чиқариш бошлиғи.
Н. ЭШМУРОДОВ,
3-цехнинг катта нормировкачиси.
В. ЯНОВСКИЙ,
27-цех чархловчиси.

● Партия съездини олқишлаб

АГИТПОЕЗД САМАРҚАНДДА

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети КПССнинг бўлажак XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини катта сиёсий уюшқоқлик билан кутиб олиш мақсадида агитация поезди ташкил қилди. Бу поезд Сурхондарё областининг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ўтказилган катта сафаридан қайтиб келган эди.

БУГУН

эса агитация поезди Самарқанд области бўйлаб ўзининг навбатдаги фаолиятини бошлади. Поездга республика комсомоли Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Жамшид Мансуров раҳбарлик қилмоқда.

Поездда лекторлар, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармониясининг «Лола» ва «Гўзал» ансамбллари санъаткорлари, партия, комсомол, уруш ветеранлари бор.

Поезд иштирокчилари зарбдор қурилишларда, пахта далаларида турли хил сиёсий-маданий тадбирлар ўтказадилар. Бундан ташқари, жойларда намойиш этиш учун Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон ёш рассомларининг асарларидан иборат иккита тасвирий санъат кўргазмаси ҳам жўнатилди.

ЯНГИ БИЛИМ МАСКАНИ

Уч қаватли, янги лойиҳа асосида қурилаётган мактаблар, кундан-кун оммавийлашиб, кўпайиб бормоқда. Пойтахтнинг «Иззат» массивида ана шундай мактаблардан бири қуриб битказилмоқда. Янги мактаб 1176 ўринга мўлжалланган бўлиб, у янги ўқув йилида ўз бағрига илк ўқувчиларни қабул қилиб олади. Билим маскани қурилишини 3-қурилиш трестига қарашли 5-бошқарманинг «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери А. Шокиров бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси олиб бормоқда.

Бригада 1983 йил ҳисобига меҳнат қилиб, трест коллективи ўртасида пешқадамлик қиляпти. С. Березин, Н. Никитин, А. Алиев каби қурувчилар бригада илғорларидир.

БУГУН

ана шу янги билим масканида пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Б. ДАНИЛЬЧЕВ.

9 ҚАВАТЛИ ЁТОҚХОНА

Пойтахтимизнинг кундан-кун кўркамлашиб бораётган Студентлар шаҳарчасида яна битта ётоқхона қад ростлади. Бу Халқлар дўстлиги орденли Тошкент политехника институти учун қурилган бўлиб, у тўққиз қаватдан иборатдир.

Ётоқхонани «Главташкентстрой» 6-трестига қарашли 70-қурилиш бошқармасининг Хушбахтиев бошлиқ бригада қурувчилари қуришди.

БУГУН

ана шу ётоқхонада пардозлаш бригадалари иш бошлашди.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 33 йиллигини ҳамда Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг 9 йиллигини тантанали равишда нишонладилар. Шаҳар жамоатчилиги намояндаларининг ана шу шонли сана шарафига Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши қатнашчилари мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкамланиб бораётган иқтисодий ва маданий алоқалар тўғрисида гапирдилар. Ҳинд халқига бахт-саодат, равнақ, янги ҳаёт барпо этишда бундан буён ҳам муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Самарқанд районидаги Киров номли совхозда муддатидан илгари теплица комбинати фойдаланишга топширилди. Икки гектардан кўпроқ теплицага эртанги сабзавот кўчатлари ўтказилди, шу қиш хўжаликнинг деҳқонлари биринчи ҳосилни йиғиштириб оладилар. Пастдарғом районидаги «Боғизоғон» совхозида ҳам «қишки сабзавот майдони» пайдо бўлди. Бу ердаги теплицалар бир гектар ерни эгаллади.

* * *

Жилвон массивининг илгари бўш ётган ерларида барпо этилган токзорларнинг узуми етилди. Шофиркон районидаги ихтисослаштирилган «Жилвон» совхозининг соҳибкорлари салмоқли узум бошларини етиштирдилар. Хўжалик меҳнаткашлари КПССнинг XXVI съезди шарафига беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга топшириқдан ташқари камида 2 минг тоннадан кўп узум сотишга қарор қилдилар.

* * *

Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан Ҳусниддин Чўтбоевнинг сабзавоткор бригадаси шу мавсумда мўл ҳосил етиштирди. Бу коллективнинг далалари ўтган йилга нисбатан 10 гектар камайган бўлсада, деҳқонлар маҳсулотни ўтган мавсумдан камайтирмоқчи эмаслар. Бригада 32 гектар ердан 900 тонна сабзавот олишга қарор қилди. Сабзавотчилар ҳар бир парча ердан маҳорат билан фойдаланиб, экинни қалин қилиб ўтказдилар, яхши ўғитладилар ва бунинг натижасида гектар самарасини ошира билдилар.

* * *

Сарибозор подстанцияси билан Бахмал подстанциясини боғлайдиган 110 киловольт қувватли янги электр линияси саноат нагрузкаси билан ишлай бошлади. Унинг узунлиги 96 километрга боради. Янги линия Бахмал районидаги хўжаликларни электр билан таъминлашни анча яхшилайди.

(ЎзТАГ).

Пойтахтимизнинг Тракторсозлар шаҳарчаси обод ва кўркам бўлмоқда. Бу ерда қад кўтараётган муҳташам турар жой бинолари шаҳарча ҳуснига-ҳусн қўшяпти.

СУРАТДА: Тракторсозлар шаҳарчасида яқинда фойдаланишга топширилган янги уй-жой комплекслари. М. Нуриддинов фотоси.

● ФУТБОЛ

Иккинчи давра бошланди

18-тур ўйинлари билан футбол бўйича СССР чемпионатининг иккинчи даврасн бошланди. Календарь тақозоси билан шу турда биринчи давранинг сўнгги турида учрашган командалар такрор куч синашдилар.

Ёдингизда бўлса керак, биринчи давранинг сўнгги турида «Пахтакор» ўз майдонида Тбилиси динамочиларини қабул қилиб, 0:3 ҳисобида ютқазган эди. Шу командаларнинг кеча Тбилисида бўлиб ўтган такрорий беллашуви эса 1:1 ҳисобида тугади.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Карпати» — «Торпедо»— 0:4, «Арарат» — «Нефтчи» 1:1, «Қайрат» «Кубань» — 2:1, «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск)— 4:0, «Шахтер» — «Динамо» (Москва)— 3:2, «Зенит» — «Черноморец»— 3:0, «Спартак» — «Локомотив» — 2:1, МАСК— АСК— 1:0.

МАДАНИЯТ УЙЛАРИДА

НАВБАТДАГИ СПЕКТАКЛЬ

Пойтахтимизнинг пойафзалчилар маданият уйи қошида ташкил этилган «Гротеск» театр студиясининг иш бошлаганига энди бир йил ўтган бўлишига қарамай, шу қисқа муддат ичида унинг коллективи қатор маданий ишларни амалга ошириб, фабрика ишчиларининг ҳурмат-эътиборини қозониш шарафига муяссар бўлди. Бугунги кунда театр-студия коллективининг ҳар бир чиқиши илиқ кутиб олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Пойафзалчилар ташаббуси билан ташкил қилинган бу театр-студия коллективи йигирма кишидан иборат бўлиб, буларнинг ҳаммаси деярли ёшлардир. Станислав Рибар раҳбарлик қилаётган бу студиянинг режиссери Александр Коваленко бўлиб, улар театр репертуарини бойитишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

БУГУН

маданият уйида янги спектаклнинг навбатдаги намойиши бўлиб ўтди. Бу спектакль белорус драматурги Андрей Макаёнокнинг «Саломига яраша алиги» пьесаси асосида қўйилган бўлиб, у замонавий ёшлар мавзуига бағишланган.

телетайп лентасидан

✦ ВЕНА. Австрияда қимматчилик авж олмоқда. Июль ойида чакана нархлар ўтган йилнинг шу ойидагига нисбатан 6,6 процент ошди. Коммунал хизмати ва электр учун тўланадиган ҳақ ғоят кўпайди, мебель ва бинокорлик материаллари ҳам қимматлашиб кетди.

✦ МЕХИКО. Мексика ташқи ишлар министри Хорхе Кастаньеда Сальвадорда инсон ҳуқуқлари муттасил поймол этилаётганлигини айтди. Министр «Уно мас уно» газетасининг Сальвадор полицияси томонидан ёвузларча ўлдирилган мухбири Игнасио Родригеснинг жасади махсус самолётда Сан-Сальвадордан Мексика пойтахти аэропортига олиб келинишн олдидан ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқди.

✦ МАПУТУ. Жанубий Африкада чиқадиган «Ранд дейли мейл» газетаси Иоганнесбург атрофидаги Соуэто шаҳрида уй-жой нархи ошганлигини хабар берди. Жанубий Африка Республикаси ҳукумати африкаликларнинг ана шу геттосида квартира ҳақини 1981 йилнинг февраль ойига бориб 75,2 процент оширишни плаплаштирмоқда.

✦ ДЕҲЛИ. Муссон ёмғири тўхтовсиз ёғаётганлиги ва Ганг дарёсининг суви тошганлиги натижасида Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида ҳалок бўлганлар сони 430 кишига етди. Сув тошқинидан штат аҳолисининг камида учдан икки қисми зарар кўрди. Неча юз минглаб кишилар бошпанасиз қолди, энг маҳсулдор неча ўн минг гектар экинзорни сув босди.

✦ ТОКИО. Киодо Цусин агентлиги Сеулдан хабар беради. Жанубий Корея олий суди аъзоларидан беш киши истеъфо берди. Бу ерда мамлакатдаги ички сиёсий вазиятнинг кескинлашганлиги ана шу олий суд органи составининг учдан бир қисми ўз лавозимидан кетганлигига сабаб бўлди, деб таъкидлайдилар.

(ТАСС).

СЪЕЗДДАН СЪЕЗДГАЧА

ШАРАФЛИ НОМГА ЯРАША

Бутун Тошкент меҳнаткашлари қатори Қўйлиқдаги «Коммунистик меҳнат корхонаси» номини олган темир-бетон кўприк конструкциялари заводи коллективи ҳам КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш, жамоат ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, ўнинчи беш йиллик топшириғини муваффақиятли адо этиш учун курашни қизитиб юбордилар. Корхонада КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980) Пленуми ва КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори кенг муҳокама қилинди. Бу муҳим ҳужжатларнинг муҳокамасига бағишлаб цех партия ташкилотларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда коммунистлар Коммунистик партия ва совет халқи ҳаётидаги шонли воқеани муносиб кутиб олиш бўйича оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Шу йил 5 августда эса завод партия ташкилотининг йиғилиши бўлиб, унда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров «Тошкент шаҳар партия комитетининг КПСС XXV съезди қарорларини ва XXII шаҳар партия конференцияси қарорларини бажариш бўйича фаолияти тўғрисида» доклад қилди. Йиғилишда сўзга чиққан коммунистлар республикамиз пойтахтининг барча меҳнаткашлари қатори КПСС XXV съезди ва XXII шаҳар партия конференцияси белгилаган вазифаларни бажариш йўлида катта ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилаётганликларини таъкидладилар.

Қўйлиқдаги темир-бетон кўприк конструкциялари заводи ўртача корхона ҳисобланади. Лекин бу корхона коллективи Тошкент шаҳри ва республика халқ хўжалигининг ўнинчи беш йилликдаги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келяпти. Тўрт йил-у етти ой мобайнида коллектив 287,3 минг кубометр темир-бетон кўприк конструкциялари тайёрлаб берди. Бу давр мобайнида Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қурилиши ва эксплуатацияси министрлиги томонидан минг километр узунликдаги йўллар, юзлаб кўприклар ва ўтиш жойлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Бундан ташқари корхона ўз маҳсулотларини БАМга, Россиянинг ноқоратупроқ зонасига, Қозоғистонга жўнатмоқда. Яқинда коллективга яна бир шарафли вазифа юкланди. Ғарбий-Сибирдаги нефть-газ комплекси қурилишига зарур бўлган кўприк конструкциялари шу ерда тайёрланадиган бўлди.

Ҳозир бу ерда ўнга яқин буюм сифатнинг биринчи категориялсига аттестациядан ўтказилган. Улар темир-бетон устунлар, турли диаметрдаги қувурлар, ичи ғовак плиталардир. Бу ерда йилнинг етти ойи учун белгиланган маҳсулот реализацияси топшириғи ҳам ортиғи билан бажарилди. Пландаги 2 миллион 805 минг сўмлик ўрнига 2.950 минг сўмлик турли хил темир-бетон конструкциялар буюртмачиларга юборилди. Модлий ва меҳнат ресурсларини анча тежаш, қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштириш имконини берадиган бир қатор темир-бетон конструкциялар ўзлаштирилди.

Беш йиллик бошидан бери ўтган даврда ишчи ва хизматчиларнинг маданий-маиший шароитини яхшилаш борасида ҳам талайгина ишлар қилинди. Завод ўз дам олиш зонасига эга. Бешта спорт ва бадиий ҳаваскорлик тўгараги, ёшларнинг музика ва рақс ансамбли бор. Тўққизинчи беш йиллик охирида заводга «Юксак ишлаб чиқариш маданияти корхонаси» номи берилганди. Ўтган йили шаҳардаги корхоналар орасида иккинчи бўлиб «Коммунистик меҳнат корхонаси» фахрли номига эга бўлди.

Ёшларни тарбиялашнинг яхши воситаси сифатида мураббийлик ҳаракатига кенг ўрин бериляпти. Илғор мураббийлардан А. Богатирев, В. Березёвский, Т. Юнусов, М. Коробкина кабилар ёш ишчиларни тарбиялашга, уларнинг касб маҳоратини оширишга катта эътибор беришяпти.

Корхонада 18 миллат вакили ҳудди бир оила аъзоларидай тотувлик билан меҳнат қилишяпти. Партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ишчилар ўртасидаги интернационалистик тарбияга катта эътибор беришяпти.

Куни-кеча заводда бўлганимизда, корхона партия ташкилотининг секретари А. Н. Хабибуллин КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш бўйича коллектив қабул қилган социалистик мажбуриятлар, шу кунлардаги жўшқин меҳнат суръати ҳақида завқланиб гапирди. Темир-бетон конструкциялар цехи ўнинчи беш йиллик планини СССР Конституцияси кунигача бажаришга ва планга қўшимча 18 минг кубометр темир-бетон конструкцияларни беришга, йиллик планни 18 декабргача адо этиш, 1981 йилнинг икки ойи планини эса КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача бажаришни белгилашди. Ҳозир коллективда мана шу мажбуриятларни адо этиш учун ўзаро социалистик мусобақа авж олмоқда. Б. Сатторов, И. Когай, М. Коробкина бошлиқ қолипловчилар бригадалари вақтдан ўзиб ишлаб, кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлашда кўпчиликка намуна бўлишяпти.

Қолиплаш цехи коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бошланган меҳнат вахтасини давом эттириб, йиллик топшириқни 5 декабрга, ўн биринчи беш йилнинг икки ойи топшириғини эса партия анжумани очиладиган кунгача адо этиб, планга қўшимча 12,5 минг сўмлик темир-бетон конструкциялар тайёрлашга интилмоқда. Бу цех ишчилари йил бошидан бери бир неча марта корхонадаги социалистик мусобақада ғолиб чиқишди.

Коллектив ишлаб чиқаришни тинмай юксалтириш йўлидан бориб, бир қатор реконструкция ишларини амалга оширяпти. Жумладан, бош корпусдаги 5 ва 6-пролётлар реконструкция қилиняпти, катта ва кичик полигонлар қурилиши ва реконструкцияси ҳам тугай деб қолди. Металл конструкциялар цехи, механика устахонаси, 2-маиший блок фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари янги бетон қориш узели қурилиши бошланди. Бу қурилишнинг 1981 йилнинг биринчи ярмида тугалланиши Ғарбий Сибирь учун мўлжалланган буюртмаларни тез ва соз тайёрлаш имконини беради.

Кўриниб турибдики, беш йиллик бошидан бери корхонада кўп ишлар қилинган. Лекин ҳали яна талайгина ишларни амалга ошириш лозим, ишлаб чиқаришда бир қатор камчиликлар бор. Жумладан, юк ортиш ва тушириш пайтида вагонларнинг туриб қолиши корхона экономикасига анча зиён етказаяпти. Заводда узунлиги ярим километр келадиган темир йўл қурилиши зарур бўлиб турибди. Бу иш амалга оширилса, ортиш ва тушириш пайтида вагонларнинг бекор туриб қолишини кескин камайтириш имкони туғилади.

Гарчи, завод «Коммунистик меҳнат корхонаси» номига эга бўлса ҳам, меҳнат ва технология интизомини бузиш ҳоллари юз бериб турибди. Бу ва яна бошқа нуқсонлар корхона коммунистларидан, барча ишчи ва хизматчилардан бор куч ва имкониятларни ишга солиб, янада зўр ғайрат билан меҳнат қилишни, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни кучайтиришни, меҳнат самарадорлиги ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашни янада кенгайтиришни тақозо этади.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

Тўқимачилик комбинати, 1-йигирув фабрикаси. СУРАТДА: лентачи, комсомол аъзоси Какен Мусахўжаева. Ўнинчи синфни битиргач, Қирғизистондан комсомол йўлланмаси билан келган бу қиз шу кунларда смена топшириқларини 120 процентга етказиб бажаряпти.

М. Нуриддинов фотоси.

КОРХОНАНИНГ ЯНГИ ФИЛИАЛИ

Бундан бир неча вақт муқаддам Акмал Икромов районининг Фарҳод кўчасида Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-филиали биносига пойдевор қўйилган эди. Бугунги кунда бу филиал қурилиши битказилиб, унга 460 та станок ўрнатилди. Кеча-кеча шу станоклардан 80 таси маҳсулот бера бошлади. Уларни илғор тўқувчи К. Шибайкина ва мастер М. Зоҳидов бошқаряпти.

1-филиалдаги станоклар ой охиригача тўлиқ ишлай бошлайди. Акмал Икромов районида комбинатнинг янги филиали очилиши бу ердаги ишчи кучи резервларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Ғ. ҲАКИМОВ.

• *Фан—ишлаб чиқаришга*

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида комбинатнинг марказий илмий-тадқиқот лабораторияси ходимлари ва фабрикаларнинг инженер-техник ходимлари соҳа илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда янги техниканы ўзлаштиришнинг, маҳсулот сифатини яхшилашнинг, газлама ассортиментини янгилаш ва кенгайтиришнинг, Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг йўлларини зўр бериб излашаяпти.

Бунда кўп станокка хизмат кўрсатишни инженерлик жиҳатидан таъминлашга зўр эътибор бериляпти, участкаларда йигириш схемаси такомиллаштирилди. Уларда янги ускуналар — тараш ва ленталарни улаш машиналари ва ПУ — 66 — 5М6 маркали йигирув машиналари ўрнатилди. Натижада 620 артикулли сатин учун мўлжалланган ярим фабрикат ва йигирилган ипнинг сифатини анча яхшилаш имкониятлари туғилди.

Бу ишни комбинат марказий илмий-тадқиқот лабораторияси Тошкент тўқимачилик институти пахтани йигириш ва химик толалар кафедраси билан бирга амалга оширди. Агар илгари йигирилган ип иккинчи сортга қабул қилинган бўлса, ҳозир биринчи сортга қабул қилиняпти. Янгиликдан олинган иқтисодий самара 16,5 минг сўмни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда мутахассислар 620 артикулли сатинни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришни давом эттиришмоқда.

Корхона инженерлари ўша кафедра билан ҳамкорликда йигирув машиналарида ипнинг узилишини кескин камайтириш имконига эга бўлдилар. Ҳозир тўқимачилар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг пахтани йигириш ва химик толалар кафедраси мутахассислари билан бирга галикда сатин учун янги йигирилган ип ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича иш олиб боришяпти.

Нурга чидамли бўёқлар билан бўялган тикув ипларининг рангларини кўпайтириш бўйича иш олиб бориляпти.

Корхона инженерлари институтнинг сифат кафедраси билан биргаликда АТПР — 100 маркали мокисиз тўқув станокларининг лойиҳадаги тезлиги ва унумдорлигини ўзлаштириш йўлларини излашяпти. Ассортимент группаси газламаларнинг истиқболи ассортиментларини яратаяпти.

Ленинграддаги ва Ивановодаги тўқимачилик саноати илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда тикувчилик ипларининг сифатини яхшилаш, шунингдек, пардозлаш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ва газлама сифатини яхшилаш имкониятлари қидириляпти.

А. МАРГОНИН.

...Сариқ тусли, баҳайбат иккала кран турилиб ишлаяпти. Бири саранжом қилиб устма-уст тахланган бино қаватлари орасига қўйиладиган бўш темир-бетон плиталарни иккинчи қаватга пешма-пеш узатиб турса, иккинчиси темир панжараларга солинган ғиштларни ғишт терувчиларга етказиб турибди. Бир томондан қуёшнинг жазирама иссиғи остида ўт чақнаса, яна бир томонда текис қилиб ғишт териляпти. Объектда меҳнат симфонияси янграмоқда.

Пойтахтимизнинг кенжа Акмал Икромов районидаги Ғафур Ғулом кўчасида қад кўтараётган ётоқхона биноси қурилишида меҳнат авжида.

— Яқиндагина Энгельс номли Тошкент чет тиллар педагогика институти студентларига азамат қурувчиларимиз иккита тўрт қаватли ётоқхона совға қилган эди. Бу йил уларнинг қаторига яна бир 380 студентни ўз бағрига оладиган бино қўшилади, — дейди биз билан суҳбатда прораб Турсунбой Асқаров. — Шу билан бирга, икки қаватли хизмат қилиш блоки ҳам студентлар ихтиёрида бўлади.

«Тошгипрогор» институтининг меъморлари яратган лойиҳа асосида қад кўтараётган объект қурилишида Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трести 14-қурилиш бошқармасининг Ноил Сайфуллин ва Миркомил Икромов етакчилигидаги комплекс бригадалар бинокорлари ишлашмоқда. Бино секцияларга бўлиниб, ҳар бирида тўрттадан хона мавжуд. Уларда душ ва сантехника узеллари жамланиб, ўн нафар студентни сиғдира олади.

Хизмат қилиш блоки учала ётоқхона ўртасида қад кўтариб, унинг биринчи қаватида фотолаборатория, пойафзал ремонт қилиш устахонаси, тўғраклар учун айрим хоналар ва медицина пункти жойлашади. Иккинчи қаватида эса 135 ҳўрандага хизмат кўрсатадиган кафе жой олади. Кафенинг яна бир қулайлиги шундаки, мингдан ортиқ студент яшайдиган ётоқхоналар комплексидаги ёшлар бемалол тўй ва танганали кечалар ўтказишлари мумкин.

Ётоқхона қурилишида 391 минг сўмлик хизмат кўрсатиш блокида эса 110 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Шу кунгача жами 100 минг сўмлик қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Бино қурилишида икки етакчи коллективдан 40 нафар қурувчи бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилишмоқда. Шунинг учун ҳам қурилишда юксак унумдорликка эришиляпти.

— Ишчиларимиз кранчи қизни шошириб қўйишяпти, — дейди бригада етакчиси Н. Сайфуллин. — Лекин шаҳар Советининг депутати, моҳир машинист Надежда Гончарова ҳам бўш келмаяпти. Ҳамкасби Бахтиёр Ризаев билан биргаликда қурувчиларга мадад бўлишяпти.

— Бригадада ўз ишини пухта эгаллаган илғор меҳнатсеварлар кўп, — дея гапини давом эттирди бригада мураббийси,— улар самарали ишлаш билан бирга ҳунартехника билимини юртини битириб, қурувчи деган шарафли номни эгаллаш учун ишга янги келган ёшларга мураббийлик қилишяпти.

Коллективда бир неча касбни ўзлаштириб олган бинокорлар кўплаб топилади. Ғишт терувчи Александр Реков ва Гулсара Мингулова, электр пайвандчи Элмамат Маҳаматқулов, бетончи Сайидазим Маҳмудов ва бошқалар ўз касбларидан ташқари турдош касбларни ҳам эгаллаб олишган.

Яқинда бўлиб ўтган ғишт терувчилар шаҳар биринчилигида бригаданинг икки аъзоси — Маъруф Маҳкамов ва Лариса Расстопина энг яхши ғишт терувчилар сафидан ўрин олишиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасини эгаллашди.

— Агар бинони сифатли қурсанг, шу уйга кўчиб кирадиган одамлар: «Қўлинг дард кўрмасин, барака топгур, бинокор дейишади, — дея гапга қўшилди илғор ғишт терувчи Г. Мингулова. — Ана шундай раҳмат эшитишга лойиқ иш қилиш керак. «Бинокор» деган касбни улуғлаб, ишлаш лозим.

Қурилиш майдонида оунёдкорлар мардонавор иш олиб боришяпти-ю, лекин прорабнинг гапига қараганда материал танқислигидан хафа. Танқислик иш фронтининг юксак поғонага чиқишига тўсиқ бўлиб қолмоқда. Мана бир мисол. Арматурани олайлик. 8-темир-бетон маҳсулотлари заводи июль ойида объектга 20 тонна ўрнига атиги уч тоннагина арматура етказиб берди. 1-темир-бетон бўюмлари заводи эса бино қаватлари орасига қўйиладиган плиталардан ўтган ойда 200 куб метр ўрнига 100 куб метр жўнатдилар. Темир-бетон зиналаридан ҳам ўнтанинг ўрнига биттаси олинди. Ғишт терувчиларнинг олдига келсангиз, брак маҳсулотларни бирма-бир намойиш қилишади. 5-ғишт заводининг сифатсиз маҳсулотини «кўз-кўз» қилишади. «На илож, бошқа материал йўқ бўлгандан кейин ишсиз турмаслик учун шундай ғиштларни олишга мажбурмиз», — дейди қурувчилардан бири.

Дарҳақиқат, жазирама қуёш остида тер тўкаётган азамат бинокорларга юқорида тилга олинган корхона раҳбарлари сал бўлса ҳам жон куйдирмаса, бинолар тезроқ битказилган бўларди.

Ш. ҲИДОЯТОВ,
жамоатчи мухбир.

Қурилишдаги ютуқ ва муаммолар

ҲАР ДАҚИҚА ҲИСОБДА



Шу кунларда Тошкент консерва заводи коллективи областимизнинг колхоз ва совхозларидан узлуксиз ташиб келтирилаётган меса ва сабзавот маҳсулотларини қабул қилмоқда. Бу маҳсулотлардан бу ерда ҳамшаҳарларимиз учун турли-туман соклар, томат ва шу сингари маҳсулотлар тайёрланади.

СУРАТЛАРДА: Завод дарвозаси олдида; томат тайёрлаш цехида машиналар ёрдамида помидор ювиб-тозаланмоқда; шарбат тайёрлаш цехининг ишчилари Муқаддас Ҳусанова ва Шоҳиста Самдкаримовалар тайёрланган шарбатни автомат-машина ёрдамида банкаларга қуйишмоқда.

Р. Альбеков фотолари.

СЕҲРЛИ ҚЎШИМЧА МОДДА

«Узгипроводхоз» институтининг мутахассислари бетон тайёрлаш рецептига муҳим тузатиш киритдилар. Улар ишлаб чиққан комплекс полимер қўшимча модда цемент вазнидан бир процентдан ҳам озроқ қўшилса, бетон маркасини оширади, унинг қайишқоқлигини қарийб уч баравар зўрайтиради. Материалнинг зичлиги ва сув сингдирмаслиги анча кўтарилади ва бунинг натижасида пластик бетонни гидромелиорация қурилишларида кенг кўламда ишлатиш мумкин бўлади.

Комплекс қўшимча модда ишлатилиши қурилиш жараёнини ҳам тезлатади: бетон одатдаги 28 кунда эмас, балки ундан икки баравар тезроқ марка пишиқлигига эришади. У вибрацион зичлаштиришга мухтож бўлмайдики, натижада ишлаб чиқариш анча соддалашади.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАР ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МЕТАЛЛУРГЛАР ПРОФИЛАКТОРИЙСИ

СОФИЯ. Кремников металлургия комбинатининг хушманзара Витоша тоғида жойлашган профилактория йилнинг ҳар фаслида ҳам одамлар билан гавжум. Тоғ ҳавоси, қуёш, минерал манба — буларнинг ҳаммаси ҳозирги замон медицина техникаси билан бирга металлургларга яхши дам олиш ва самарали даволанишни бағишлайди.

Комбинат ишчиларидан ҳар йили қарийб 15 минг киши ўз профилакторийсини ғ. хизматидан фойдаланмоқда.

Ишчиларга медицина хизмати кўрсатишни такомиллаштириш — Болгария соғлиқни сақлашнинг энг муҳим вазифаларидан бири-дир. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги барча йирик саноат объектлари ўз поликлиникаси ёки медицина пунктларига, 50 дан ортиқ профилакторийсига эга. Ҳар йили ишчилардан қарийб 500 минг киши комплекс медицина текширувидан ўтади.

ТЕЗ ВА НОБУД ҚИЛМАЙ

ВАРШАВА. Польшанинг давлат хўжаликлари ва деҳқончилик кооперативларида «Ҳосилни тез ва нобуд қилмай ўриб-йиғиб оламиз!» шиори остидаги ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик ниҳоясига етди.

Бу йил 27 мингта серунум комбайн, қарийб 600 та осма агрегатли трактор республика далаларига чиқади. Бу машиналар механизмлар билан 8 миллион гектардан зиёд майдондаги ғалла ва бошқа дон экинлар йиғиштириб олиниши лозим.

Машинасозлик саноати корхоналарининг коллективлари машина-механизмларни вақтида тайёрлаш ва ремонт қилишда қишлоқ меҳнаткашларига катта ёрдам бердилар.

Польша коммунистлари партияси қишлоқ хўжалигини техника билан қуроллантириш даражасини оширишга доимо катта эътибор бермоқда. Бу эса мўл ҳосил етиштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш таровидир. Қўйидаги факт шундан далолат беради. Тугаётган ўн йилликда қишлоқда трактор парки уч ярим баравар ўсди.

ЯРМАРКА ОЛДИДАН

БЕРЛИН. 31 августдан 6 сентябргача Лейпцигда ўтказиладиган бўлажак кузги халқаро ярмаркада тахминан 50 давлатдан салкам 6 минг корхона ва ташкилотлар савдо фирмаси, шунингдек деярли юз мамлакатдан коммерция дойираларининг намояндалари қатнашади. Халқаро Лейпциг ярмаркаларининг бош директори Ф. Вонзак бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида шуни хабар қилди.

У ўтказиладиган ярмарка Хельсинкидаги кенгаш якунловчи актив руҳида халқаро савдони янада ривожлантириш учун янги кучли омил бўлади, деб ишонч билдирди.

Химия ва енгил саноат буюмлари, полиграфия ва йўл машиналари, кенг истеъмол моллари бу йилги Лейпциг кўригининг профилини белгилаб беради.

Ф. Вонзак айтганидек, илгари бўлгани сингари бу сафар ҳам Совет Иттифоқи чет мамлакатлар ўртасида энг кўп экспонатлар намойиш қилади. СССР павильонида йигирмадан кўпроқ ташқи савдо ташкилотларининг маҳсулоти кўрсатилади.

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН. Президент Ж. Картер Америка телевидениеси орқали сўзлаган нутқида мустақил Эрон раҳбарларига яна таъна қилиб гапирди ва АҚШга бу мамлакатда «оқилона ҳукумат билан эмас, балки бир тўда мутаассиб кишилар билан» иш кўришга тўғри келмоқда, деди.

Ҳозирги АҚШ маъмуриятининг бошлиги Эрон Ислом Республикасида «умуман ҳукумат йўқ» дейишгача ҳам борди.

Шу муносабат билан сиёсий обзорчилар Оқ уй шу йилнинг бошида Эронга қарши шундай кампаниянинг авж олдирганидан кейин Эрон территориясида қуролли диверсия қилинганлигини эслатиб ўтмоқдалар.

«Вашингтон пост» газетаси эса Эрон кўрфази ва Ҳинд океанида Американинг ҳарбий кучлари ҳануз кўпайтирилаётганли г и тўғрисида ёзади ва бу кучлар «кўп кишилар фараз қилганидан ҳам тезроқ кўпайтирилаётганлиги»ни таъкидлайди.

АҚШ, дейилади мақолада, ер курраси-нинг шу қисмида 25 тага яқин кемани, шу жумладан 2 авианосецни, составида 5 кема ва денгиз пиёда аскарлари ҳамда офицерларидан 1.800 киши бўлган денгиз десант қўшилмасини доим сақлаб келмоқда.

«Вашингтон пост» газетаси таъкидлаб ўтганидек, АҚШ ҳарбий кучларининг қирувчи самолётлари, шунингдек олдиндан огоҳлантириб турадиган ва радиолокация станциялари билан таъминланган системадаги самолётлар Миср ва Саудия Арабистони аэродромларидан учиб чиқиб, Форс кўрфази районида осмонида изғиб юрибдилар. АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг Форс кўрфазида ҳаракат қилаётган «Яқин Шарқ оператив кўшилмаси» кейинги вақтларда кенгайтирилиб, ундаги кемалар сони ўтган бешгатача етказилди. АҚШ, деб эслатиб ўтади газета, Кения ва Уммандан ўз портлари ва аэродромларига кириш ҳуқуқини олишга муваффақ бўлди. Миср эса ўз аэродромларидан Пентагоннинг фойдаланиши мумкин эканлигини шама қилиб қўйди.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ЧОЙ ИЧМАЙДИГАН МАҲАЛЛА»

Газетанинг 27 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали материалда Каттабоғ маҳалласи аҳолисини сув билан таъминлаш яхши йўлга қўйилмагани танқид қилинган эди.

«Водоканал» трестидан олинган жавобда бу маҳаллада сув таъминоти яхшиланганги хабар қилинади.

«БЎШ ПАҚИРНИНГ ЖАРАНГИ»

15-майда юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда ҳам 2-Гвардиячилар проездида сув таъминоти ёмонлиги курсатилган эди. Трест бу кўча бўйича ҳам чора кўрганини маълум қилади.

«СУЯНЧИҚҚА СУЯНМАГИН»

Ҳамза театри майдонидаги трамвай бекати соябони анчадан буён ремонт қилинмаётгани, қаровсиз ҳолда ётгани танқид қилинган эди.

Трамвай-троллейбус бошқармаси меҳнаткашларининг бу ўринли шикоятини инобатга олганини маълум қилди.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

14 АВГУСТ, 1980 й.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

«КАТТА ҲАЛҚА» ЧИРОҚЛАРИ

«Мамлакатнинг туташ энергетика системасини вужудга келтириш ишлари давом эттирилсин...»
(1976—1980 йилларда «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»дан).

Ўрта Осиё бирлашган энергетика системасининг диспетчерлик шчитида янги рамзлар пайдо бўлди. 210 минг киловатт қувватли Навоий ГРЭСининг ўн биринчи агрегати ишга тушди ва кенг форматли кинотеатрнинг экранидек каттакон схемада яна бир яшил чироқ порлади. Унинг ёнида турган қизил чироқ агрегат тўхтаган пайтда ёқилади. Лекин у ҳозир ўчириб қўйилибди.

Системанинг янги оқим билан тўлган қудратли энергетика дарёси эндиликда қарийб 18 минг киловатт қувватга эга. У Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистондаги юзлаб шаҳар ва посёлкаларга энергия бериб турибди.

Илк бор улкан ҳалқа қардош республикаларнинг электр станцияларини бир-бири билан боғлаганидан бери 20 йил ўтди. Дастлаб линиялар билан боғланган станцияларнинг жами қуввати миллион киловатт чамаси эди.

Эндиликда Ўрта Осиё бирлашган энергетика системаси қувватларининг ўсишининг ўзи ўнинчи беш йилликда бу рақамдан бир ярим баравар ортади. Мураккаб приборлари, рангли телевизор ва оқ-қора телевизорлари бўлган диспетчерлик зали космик учишни бошқариш пультига ўхшаб кетади. Зеро системанинг энерготрассалари ҳақиқатда космик трассалар бўлиб қолди.

Бундан атиги 20 йил аввал система параметрларининг илк ҳисоблари арифмометрлар ва логарифмик линейкалар ёрдами билан чиқарилган бўлса, эндиликда бу ерда учинчи авлод компьютерларининг ўздан 17 таси ишлаб турибди. Бу машиналарнинг ярми асосий энергия таъминотчиси—Ўзбекистоннинг станцияларини «кузатиб туради». КПСС XXV съездидан сўнг (съезд қарорида Ўзбекистон ССРда иссиқлик электр станцияларини янада ривожлантириш тўғрисидаги сатр ҳам бор эди) Сирдарё ГРЭСида ҳар бири 300 минг киловаттдан тўртта энергия блоки ишга туширилди. Фарғона теплоэлектроцентралида юз минг киловатт қувватли иккита агрегат ишга тушди. Энди бўлса Навоийда яна 210 минг киловатт қувватли агрегат қўшилди. Бу ҳаммаси эмас! Партия XXVI съездига тайёргарлик кунларида Сирдарё электр станцияси қурувчилари: «коммунистлар съездигача ГРЭС қувватини уч миллион киловаттга етказамиз! деб аҳду паймон қилишди. 1981 йилнинг 23 февралигача Ширин шаҳридаги энергетика марказининг 9 ва 10-агрегатлари ва Навоийда яна бир блок ток беради. Ангрендаги қурилиш тобора кенгайтириб борилмоқда: бу ерда арзон маҳаллий кўмир базасида яна бир иссиқлик электр станцияси қурилмоқда. Бу ишларни ҳам КПСС XXV съезди белгилаб берган эди.

Жануби-Шарқдан системага янги қудратли энергия оқими келди. Жаҳон практикасида илк бор Тожикистондаги Норак ГЭСининг тўғони уч юз метр баландликка кўтарилди. «Гидроэнергопроект» институтининг Ўрта Осиё бўлимида (Тошкент) лойиҳаланган бу станциянинг қуввати 3,6 миллион киловаттга боради. Шу қувватнинг ҳаммаси энди Каспийдан Тянь-Шангача кенг майдонга чиқди: ўнинчи беш йилликда Душанба-Вахш энергосистемаси ҳамда бирлашган энергетика системаси ўртасида бевосита электр алоқа ўрнатилди.

Қардошлик электр ҳалқаси билан боғланган ҳар бир беш республиканинг индустрияси бирлашган энергетика системаси туфайли беш баравар кучли бўлди. Тошкентдаги диспетчер бир кнопкани босиши билан Чимкент ёки Олмалиқ металлургларига, Чоржўй ёки Самарқанд химикларига, Қарши чўлидаги насос станцияларига ёки метро поездларининг линияларига кучли энергия оқими боради. Системани бошқариш шчитидаги қизил сигнал (бирон станциянинг агрегати тўхтатилган) қўшни истеъмолчилар энергиясиз қолишини билдирмайди. Шунда дарҳол резерв генераторлар ишга солинади (бу генераторлар минглаб километр олисда бўлиши мумкин) ва «катта ҳалқа» ёрдами билан камомат тўлдирилади.

Бунинг учун энергия юборишнинг янги воситалари талаб этилади. Эндиликда ҳатто 220 минг вольт кучланишли электр линияси ҳам «заиф»лар қаторига ўтиб қолди: катта электр ўтказилаётган тармоқларда нобудгарчилик кўпайиб кетади. Кучланиш ортса бундай нобудгарчилик камаяди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда ўнинчи беш йиллик 500 минг вольтли линиялар тортиш даври бўлди. Бундан ҳам кучли линияларни лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқдаки, улар Ўрта Осиё энергия ҳалқасини Европа энергетика системаси билан бирлаштиришдан иборат асосий мақсадга бўйсундирилган. «Энергосетьпроект» институтининг Ўрта Осиё бўлимида (Тошкент) Россияга ўтувчи юксак вольтли «кўприк» ҳисоблари чиқазилиб бўлди. Бу ҳужжатлар тегишли текширишдан сўнг қурувчиларга юборилади.

Энергосистеманинг нафи катта, лекин унинг пул билан ҳисоблаб бўлмайдиган фазилатлари ҳам бор. У—беш республика интернационал дўстлиги ва қардошларча ўзаро ёрдамининг техник тафаккур коллектив имкониятларининг, ўзбек, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз олимлари, қурувчилари, энергетиклари профессионал маҳоратининг инъикосидир. Йигирма йилдирки, «катта ҳалқа» энергетиклари ленинчи ГОЭЛРО плани санасини биргалашиб нишонламоқдалар. Қудратли электр дарёсининг сарчашмаси айни шу план бўлган эди.

В. СВЕРДЛОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

ХАЛҚ ОДОБНОМАСИ САҲИФАЛАРИДА...

КЕЛИН ҲАМ ҚИЗ...

Келин келгани,
Уйга нур киргани!
(Мақол).

Халқ оғзаки ижоди одобномасида, шунингдек, ҳаётнинг ўзида ҳам келинлар ҳақида ёрқин саҳифалар мавжуд. Дарвоқе, халқ оилапарвар қайноналар шаънига ҳамду санолар айтиш билан бирга келинлар, уларнинг нафақат умр йўлдошлари — эрлари, балки қайнана-қайнаталари олдидаги бурчлари, улар билан илиқ муносабатлари каби инсоний фазилатлари ва хулқ-атворлари борасида ҳам ҳаёт ҳақиқати ва ахлоқий-фалсафий қарашларидан келиб чиқиб қанчадан-қанча йўл-йўриқлар айтган, панду насиҳатлар битган. Улар бир жойга жамланса борми, ажойиб келинномa мажмуаси юзага келган бўлар эди.

Халқ оғзаки ижоди келинномасида келиннинг қайнана, қайнатага муносабати қай даражадалиги, энг аввал оила ширинлиги, барқарорлиги, боқийлиги ва бола тарбиясида муҳим роль ўйнашини ажиб бир ҳаёлий тарзда тасвирлаганини кўрамиз.

Халқ келинга қарата:

Қайнана—она,
Келин—бола.
Онангни кифтингда тутсанг,
Қайнанангни бошингда тут.
Отангга иззатда бўлсанг,
Қайнатангга ҳурматда бўл!
Иззат қилсанг қайнанангни,
Муродингга етасан.
Ҳурматингни йўқотсанг,
Ярим йўлда қоласан,—деб панду насиҳатлар қилади.

Нақл қиладилар: Замонлар замонида учта қиз бор экан. Уларнинг онаси қўлини косов, сочини супурги қилиб, ўзи емасдан қизларига едириб, ўзи киймай уларга кийдириб вояга етказибди. Вақти-соати келиб катта қизга совчи келибди. Она қизни кузатар экан:—«Дилбандим, шу кундан бошлаб келинсан. Шу кунгача отанг битта эди, — иккита бўлди, онанг битта эди— иккита бўлди. Энди сенинг ғамхўринг ҳам, маслаҳатгўйинг ҳам қайнана-қайнатангдир. Бировини она, иккинчисини ота деб билиб, бизни қанчалик яхши кўрган бўлсанг ундан зиёдроқ кўр. Аҳил бўлсанг оласан — ноаҳил бўлсанг олдирасан. «Сержанжал уйда барака бўлмас» дейди машойиқлар, асло жанжал қилма, ундан қоч», — деб насиҳат қилибди. Она ўртанча қизи билан кенжатойини ҳам шундай панду насиҳатлар билан куёвга узатибди.

Орада бир оз вақт ўтиб, «болам қандай яшаётганикин, бир хабар олай», деб катта қизиникига борибди. Қизи эри билан қайнатасига яхши муомалада бўлар, аммо қайнанасини ёқтирмас, уни ёмон кўрар экан. «Эримизнинг онаси бегона, менга она бўлармиди», деб уни ҳечам она демабди. Қайнана — келинни, келин — қайнанани ёмонлабди. Айб кўпроқ қизида эканлигини билган она «Охири бахайр бўлсин-да», дебди-да, ўртанча қизиникига борибди. Ҳол-аҳвол сўраса:

—Куёвингиз билан онаси яхшию, отаси ёқмайди, сассиқ, қурумсоқ чол, — дебди қизи. «Оббо, бу қизим ҳам бахтини қўлидан бой бериб қўйибдику?»—деб она кенжасиникига йўл олибди.

—Ойижон, сиз айтгандек қайнанам она, қайнатам ота бўлишди. Рўзғоримнинг оғир-енгилини баробар кўтаришади, уларни сиз билан отамдай ҳурматларини жойига қўяман. Шундан бўлса керак, мени кўярга жой, ўлтиришга ўрин тополмайдилар. Худди сизларга ўхшаб ўзлари ейишмаса-ейишмайдики, менга едиришади, кийдиришади. Жуда-жуда бахтлиман, бирам яхши кишиларки,—дебди қизи. Қайнана-қайната ҳам келинларини тоза мақташибди. «Қарс икки қўлдан чиқади» деганлари шу-да, деб она ич-ичидан қувонибди. Кейин қизига қараб: —«Она қизим, бахтингни топганинг шу, энди уни маҳкам ушла, тағин опаларингга ўхшаб қўлдан чиқариб юборма», — дебди.

Орадан унчалик вақт ўтмай катта қизи билан ўртанчаси кўч-кўлонини аравага ортиб келиб қолишибди. Кенжа қизи онасининг айтганларини қилиб ширин тилию, хушмуомаласи билан тутган жойида бахтини топиб, тиниб-тинчиб кетибди. «Рўзғор тотувчилиги — оила бахти», деб шуни айтадилар-да.

Халқ ўз ҳикматларида келинларни, мана, нималар деб огоҳлантиради:

Қайнанага тош отсанг,
Тош оласан.
Қайнанага ош берсанг,
Ош оласан.
Қайнанангдан ширин сўзинг аяма,
Аяб сўнгра ўзинг пушаймон бўлма.
Эрим десанг — қайнатангни де,
Болам десанг — қайнанангни де.

Ҳаётда ўзининг меҳнати ва ибратли хулқ-атвори билан ҳаммани ҳайратга солувчи, ёши улуғ—қайнана-қайнатасига, қайни-қайноға-қайнисингилларига жуда яхши муносабатда бўлувчи, ҳатто қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғлар орасида ҳам тилга тушган, улар дилидан жой олган, қисқаси оиланинг кўрки ва ифтихори бўлиб қолган келинлар кўп.

Фарғоналик келин Фотимахон Каримова, мана, нималар деб ёзибди: «Оила аъзолари тотув бўлса, юмушлар ўйин-кулгу билан битиб кетади. Мен ишлаётган колхозда жамият бойлигини яратаётган келинлар қанчадан-қанча... Тасаввур қилайлик-а, ана шу келинларнинг қайнаналари яқин ёрдамчи, жонкуяр бўлмасалар келинлар жамият, халқ учун шунча фойда келтиролмаган бўлардилар. Қаранг-а, хонадонларимизнинг энг жонкуяри, меҳрибони азиз қайнана — оналаримиз бизнинг рўзғоримиз тўкис бўлиши, болаларимизнинг орзу-ҳавасини кўришимиз учун бутун умрларини бағишлаб яшаяптилар».

Бежиз айтилмаган «Қайнанали келин — қарқара келин деб». Дилдан чиқариб айтилган бу гапларда зарра бўлса-да ёлғон йўқ.

«Ҳар ким экканини ўради». Оилада катталар муносабати ёшларга сабоқ бўлади.

«Агар қайнана-келин бўлар-бўлмасга жанжаллашаверса, ёшлар ҳам нотинч ҳаётга, бир-бирини ҳурматсизликка ўрганадилар», — деб ёзибди бошқа бир келин, тошкентлик Назира Раззоқова. Келинларимиз қалбидан чиққан ва миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган бундай сўзлардан яна кўплаб келтириш мумкин.

Халқ донишмандлигининг ёрқин ифодаси бўлмиш мақоллар орасида:

Ақлли келин уй кўрки,
Ақлсиз келин тўй кўрки.
Онам деса келини—
Болам дейди қайнанаси
Иззат қилса келини—
Бошга қўяр қайнанаси
Қизи бор уй сарриштали,
Келин бор уй фариштали, — каби мисолларнинг бўлиши ҳам характерлидир.

Турмушга чиқиб, бутунлай бегона жойга бориб тиниб-тинчиб оиланинг фарзанди бўлиб қолган, эрининг қариндош-уруғлари билан аҳил ва бахтли яшаш, ҳаёт кечириш учун умумий тил тополган келинларга нисбатан халқнинг «Кенг уйнинг келинчаги» каби жуда чуқур маъноли иборанинг қўлланиши ҳам тасодифий эмас, балки ҳаётийдир. Ёки Халқнинг:

Келса хотин уруғи
Бўлар йўли-йўриғи.
Келса эрнинг уруғи,
Бўлар юрак буруғи, қабилида иш тутмай, ўзининг қариндош-уруғини қандай илиқ кутиб олса, эрига қарашли кишиларга ҳам шундай илиқ муносабатда бўлмоқни уқтириши ҳам табиий бир ҳолдир.

Дарҳақиқат, халқимиз азал-азалдан хулқ-атвори, оилада тутган ўрни, қайнана-қайната, қайни-қайнисингилларга яхши муносабати, қисқаси фарзандлик бурчини бажарган келинни ҳурмат ва эҳтиромини жойига қўйишликни таъкидлайди.

Халқ дейди: — Эй, келин, эрингни онаси —онанг, отаси—отанг. Ота-боболаринг қадимдан давом эттириб келган қайнана-қайнатани эъзозлаш, ҳурматини ўрнига қўйишдек олижаноб удумга амал қил, уларнинг иззат-икромини ўринлат, шунда эринг сени бошига қўяди, фарзандларинг, эл-юрт олдида обрўйинг ортади. Ахир, сен ҳам қайнанага келин, келинга қайнанасан-ку?

Шуни ҳам айтиш керакки, ўз оиласи, хусусан қайнана-қайнатаси ҳақида сўзлаганда тилидан бол томадиган, муомаласидан ҳар қандай тош юрак киши эриб кетадиган, тушган оиланинг ҳам кўрки, ифтихори бўлиб қолган оқила келинлар билан бирга, минг афсуски, шундай келинлар ҳам борки, уларнинг келинлик шаъни, оилада ўзларини тутишлари, кишилар билан муносабатлари ҳақида сўз борар экан, халқнинг «айтсам тилим, айтмасам дилим куяди» иборасини қўллаш жоиздир. Халқ мақолларида айтилгандек,

Ёмон турмуш ёлчитмас,
Ёмон келин бойитмас.

Ҳа, фольклор асарларида бадфеъл, тили бошқаю, дили бошқа, қўпол, қўрс, баджаҳл, баднафс келин туфайли кекса қайнана-қайнаталарнинг дили пора бўлиши, муҳаббатнинг сўниши, оқибат натижада оиланинг бузилиб кетиши рўй-рост тасвирланади.

Дарвоқе:

Келиннинг яхшиси,
Оила камоли.
Келиннинг ёмони,
Оила заволи, — дейди халқ.

Қайнана-келин муносабатларини узоқ йиллардан буён ўрганиб юрган бир фольклоршунос олимнинг аниқ ҳисобига кўра, келинларнинг (оқилалари бундан истисно) ўз эрларининг қариндош-уруғлари шаънига айтган, эшитган ҳар қандай кишини ранжитадиган сўзлари—қарғишларининг тури уч юздан ошиқ экан! Бундай келинларнинг охири вой бўлиб чиқиши аён.

Баъзи келинлар тилидан «Қайнанам ундай, қайнанам бундай» деб зорланишларини эшитиб қоласиз. Бир келиннинг «Қайнанам билан қайнатамга болаларимни қолдиргим келмайди, негаки уларга ишониб бўлмайди», деган сўзини эшитиб ёқамни ушлаганман. Уялмай-нетмай шу сўзларни айтган келин, ўз болалари ёмонлаётган кишиларнинг суюкли ўғлининг фарзандлари эканлигини наҳотки билмаса. Менимча, билади! Аммо, афсуски ўртада келин — қайнана-қайнатачилик бор-да! Эрининг олдида бир хил, эри йўғида икки хил товланадиган, қайнана-қайнатасига гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона заҳар-заққум едириб, уларнинг умрини қисқартирадиган келинларга нима дейсиз?

Келин билан қайнана-қайната ўрталаридаги муносабат ўзаро ҳурмат ва эҳтиром асосига қурилган бўлса, уларнинг тилидан заҳар эмас бол томса, қисқаси орадан ота-боталик пардаси кўтарилмаса оиладаги авлодлар тарбияси шунчалик яхши ва самарали бўлади. Турмуш аҳил, тотли, ширин ўтади.

Тасаввур қилинг-а, бунинг акси бўлсами... Ҳар қандай аҳил ва мустаҳкам оилага зил кетди деяверинг, уни тузатиш эса амри-маҳол. Халқ оғзаки ижоди одобномасидаги келинноманинг хулосаси ана шундай. Бунда қайнатанинг роли озмунча эмас. Аслида эса бу кўпроқ куёвга ҳам боғлиқку-я. Шу боисдан келгуси сафар куёвнома саҳифаларини варақлаймиз.

Малик МУРОДОВ,
филология фанлари доктори.

КИЧКИНТОЙЛАР ХАНДАСИ

СЎРАГАНИ ЁМОН ЭКАН

—Дилшодбек, қани бизга айт-чи, мактаб яхши эканми ёки боғча яхшимиди? — деб сўради бобоси.

—Боғча яхши эди, —деди Дилшод.

—Нега?

—У ерда боғча опа кўп эртак айтиб берар, кўп ўргатар эди. Ўқитувчи бўлса, нуқул биздан сўрагани-сўраган.

ГЕОМЕТРИЯ ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Айлана деб нимага айтамиз?

Ўқувчи: — Бурчаклари йўқ квадрат айлана деб аталади.

ҚИЗҒАНЧИҚ

Айтайлик, сенда учта конфет бор. Шундан бирини ўртоғинг Лолага берсанг, сенда нечта қолади? — деб сўради ўқитувчи Ҳамидадан.

—Учта...

—Нега учта?

—Мен Лолага конфет бермайман, у билан помман.

БУРЧАКЛИ УЙ ЁМОН

—Катта бўлганимда қурувчи бўламан-да, уй хоналарини бурчаксиз, думалоқ қилиб қураман.

—Нега?

— Бурчакда туриш жонимга тегиб кетди.

ТОПАҒОН БОЛА

Мактабдаги ота-оналар мажлисидан қайтган ота ўғлидан сўради:

— Синфингиздаги энг дангаса бола ким?

—Билмадим.

— Билмайсанми?!

—Бўлмаса айт-чи, ҳамма болалар масала ечиш билан банд бўлган пайтда, ким қўлини қовуштириб, бўзрайиб ўтиради!

— Топдим. Ўқитувчимиз шунақа қилиб ўтирадилар.

Собит ҒАФУРОВ.

⊙ МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

⊙ Гиламдаги ёғ доғини кетказишнинг осон усули бор. Бунинг учун бўр ёки тальк керак. Бўр устига қоғоз қўйиб, дазмолни илиқ ҳолда урилади. Қоғоз ёғ доғини сўриб олиши билан яна тоза қоғоз қўйилади, бу бир неча марта такрорланса, гиламда ёғ доғидан асар қолмайди.

⊙ Ёғоч ёки пластмасса сопли вилка ва пичоқлар иссиқ сувда узоқ турмасин, сопи бўшашиб кетади.

⊙ Вино, ароқ, пиво шишаларини ичимлик содаси солинган сув билан ювсангиз яхши тозаланади.

⊙ Қизил дарахтдан ясалган мебелнинг рангини очмоқчи, доғ ва кирларини кетказмоқчи бўлсангиз, уни қариқиз (репейник) мойи шимдирилган майин латта билан артинг.

⊙ Шакар боғлаб қолган қиёмни тузатиш мумкин. Бунинг учун қиёмли идишга бир қошиқ қайноқ сув қуйиб, қизитиб ўчирилган духовкага қўясиз, сўнгра шакари эригунча тутиб туринг.

⊙ Гўштга туз сепиб қовурсангиз сели яхши чиқади ва овқат мазали бўлади.

⊙ Биллур қадаҳ, гулдон ва бошқа буюмларни озгина синька ёки бўр қўшилган совунли сувда ювиб, зиғир толадан тайёрланган латта билан артсангиз ярқиллайди.



Фотообъективда жонажон Тошкент.
СУРАТДА: Ўзбекистон кўчасининг манзараси.
М. Нуриддинов фотоси.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

МУРАККАБ ТАҚДИР

Қаҳрамонлар камтар бўлишади. Уларнинг ишлари ва жасурлиги ҳақида жанговар мукофотлари ҳикоя қилади. Музейга келган ҳамшаҳримиз—Улуғ Ватан уруши ветерани Тоҳирхон Рустамовнинг кўкрагидаги қатор орден ва медалларни кўрганда шундай фикрга келдик. У мамлакатимиз учун оғир синов йилларида Ватан мудофаасига отланганлардан бири. Юзлаб ҳамшаҳарларимиз каби Улуғ Ватан урушидан зафар қучиб қайтганлардан. Унинг таржимаи ҳоли оддий, ҳам мураккаб.

Тоҳирхон Жаркўча маҳалласидан. Отаси Рустамхўжа ака деҳқончилик қиларди. Тоҳирхон оиланинг бешинчи фарзанди — кенжатой ўғли бўлди. Акаси Зокирхон уни ҳунар-билим юртига ўқишга ундади. Слесарликка шогирд тушди. Ўша ерда, яъни Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводида комсомол сафига ўтди. У йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз нақлига амал қилиб, шофёрлик касбини ҳам эгаллади.

Социализм ғалабаси учун кураш айни қизиган паллада уни комсомол Чирчиқ қурилишига ишга юборди. Ана шу улкан қурилишда оқ-қорани танниди. Ишчи шарафини тушунди. Коллектив меҳнат завқини тотди. Серғайрат, уқувли йигитни худди ана шу коллектив кўпчиликка танитди. У комсомол топшириғини шараф билан уддалади. Шунинг учун ҳам область комсомол комитети Тоҳирхон Рустамовни ёрлиқ билан тақдирлади.

Тоҳирхон ўз ҳаётидан мамнун эди. Оиласи дуруст— гулдай қизи, ширин ўғилчаси бор. Турмуш фаровон. У кўплар қатори социализм ғалабаси туфайли рўшнолик кўрган кишилардан эди. Улуғ Ватан уруши бошланганда беш яшар қизи Шарофатни, ўйинчоқларини ўйнаб чопқиллаб юрган уч яшар Носирхонни бағрига босди. Дийдор кўришиш насиб қилармикан?

Душман Москва бўсағаларига яқинлашиб қолган пайтда Тошкентда ташкил топган 32-махсус ўқчи бригада составида душманга қарши жангга кирди. Фронт шароити нимани талаб қилса, шуни бажарди. Шофёр, алоқачи, пулемётчи ва тўпчи ҳам бўлди.

Тоҳирхон Рустамовнинг босиб ўтган жанговар йўли ҳақида бир неча лавҳа ва очерклар эълон қилинган. Биз уларни такрорлаб ўтирмаймиз. Фақат унинг икки мукофоти билан боғлиқ жанговар ишларини ўқувчига таништирамиз. Тоҳиржон ака шундай ҳикоя қилади:

«Кеч куз пайти. Белка Антоновка деган жарлик жойда ҳандақда ётардик. Тунда полк командири чақириб қолди.

—Олдинги сафдагиларга шошилинч снарядлар етказиб бериш лозим. Олдинда разведкачи Кривнов боради.

Шеригимнинг орқасидаги милтиллаб турган фонари ёруғида машинани оҳиста юргизиб кетдим. Атрофда душманлар бор. Сал эҳтиётсизлик қилдингми, ўққа тутиласан. Тор йўлдан машинани ўрмалатиб кетяпман. Ярим йўлда қорни ёрилиб, ичак чавағи ағдарилган отларга дуч келдик. Бу —биздан олдин ўқдори олиб кетган араваларга кўшилган тўрт от эди. Икки арава куйиб кетибди. Жангчиларимиз душман снарядларига дуч бўлибди. Ҳаводек зарур «юк»ни эсон-омон етказиб бордик. Полкдошларимиз қувончини кўриб, ўзим ҳам завқланиб кетдим.

Яна бир марта қатнашга улгурармиканман? ўйладим ўзимча. Иккинчи машинани ҳам олиб бордим. Қайтишда ғира-шира тонг ёришаётганди. Фашистлар билиб қолди. Охирги дўнгликка етиб келишимиз билан отишма бошланди. Омадимиз бор экан, ўлимга чап бера олдик...»

Топшириқни аъло даражада бажарганлиги учун у Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди. Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Ўшанда уруш айни қизиган — 1943 йил эди.

Тоҳирхон аканинг биринчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени билан тақдирланиши тарихи ҳам қизиқ. Венгриядаги душмандан тозаланган қишлоқда полк дам олмоқда эди. Ярим кечада у тўсатдан уйғониб, жанговар машинасини кўздан кечира бошлайди. Бу машинада ҳарбий юклар қатори полкнинг байроғи ҳам сақланарди. Тун сокинлиги кўнглини ғаш қилди. Урушда бундай сукут жангчини безовта қилади. У ҳар эҳтимолга қарши машинани ўт олдирди. Шу пайт ўқ товушлари эшитилди. Атрофни қуюқ туман қоплаган. Нима гаплигини аниқлаш қийин. Тоҳирхон машинаси билан йўлга чиққанида ўқ ёмғири остида қолади. Ватан хоини — Власовнинг каллакесарлари тўсатдан полк жойлашган қишлоқни қуршаб олган эди. Уч мингга яқин автоматчилар ажал селини ёғдириб келарди. Тоҳирхон бир мўъжиза билан қуршовни ёриб чиқа олди. Лекин машинаси снаряд ўпирган чуқурликка тушиб кетди. Сержант Рустамов полк байроғини белига маҳкам боғлаб йўлга тушди. Хавф-хатардан омон чиқиб, полк штабига етиб борди.

Полк командири майор Шарифжон Аҳмаджонов уни маҳкам қучоқлаб ўпди. Полк шарафи ва номусини—жанговар Қизил Байроғини сақлаб қолгани учун уни биринчи даражали Улуғ Ватан уруши орденига тавсия қилди. Тоҳирхон Рустамов Москва, Сталинград, Полтава, Кременчуг, Харьков, Белград, Бухарест, Звенигород, Шпола, Смела, Богуслав, Канев ва Будапешт шаҳарларини душмандан озод қилишда қатнашганлиги, Дунай дарёсини кесиб ўтишда иштирок этганлиги учун қўмондонликнинг ташаккурномалари билан ҳам тақдирланди.

Катта сержант Рустамовнинг биографияси ҳозир Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг музейида намойиш қилинаётган 233-дивизия тарихига доир экспонатларда ҳам ёрқин ифодаланган. У шу дивизиянинг 684-артиллерия полкида хизмат қилган эди. Бу хизмат ҳақида ҳозир Ленинободда истиқомат қилаётган собиқ полк командири, запасдаги майор Шарифжон Аҳмаджонов имзо чеккан ўнлаб ташаккурномалар ҳам ҳикоя қилади.

Сирасини айтганда Тоҳирхон ака чинакамига жанг қилди. Чинакамига мардлик қилди.

...Вақт ўтиши билан сарғайган ҳужжатларга қайта-қайта тикиламиз. Қаршимизда ўтирган Тоҳирхон акага синчков назар ташлаймиз. У уруш қаҳрамонигина эмас, балки фидокорона меҳнат қаҳрамони ҳамдир. Тошкентдаги 5-таксомотор паркининг ветерани, миллионер шофёр Тоҳирхон Рустамов бир неча фахрий ёрлиқлар, ташаккурномаларга ўзининг сидқидил меҳнати билан эришди.

Тоҳирхон Рустамов пенсияга чиққан бўлса ҳам меҳнатни тарк этгани йўқ. Автопаркда ҳамон тер тўкмоқда. Ёшларга устозлик қиляпти. Пойтахтдаги Ҳабиб Абдуллаев номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Тоҳирхон аканинг барча фарзандлари ҳаётда ўз йўлини топган.

Коммунист, Улуғ Ватан уруши ветерани Тоҳирхон Рустамовнинг ҳаёти, жанговар биографияси ва фидокорона меҳнат йўли бой ва ҳавас қилса арзигулик!

Ҳ. СОДИҚОВ,
Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг илмий ходими.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ҒУЛОМОВ: Яқинда Улуғ Ватан урушида қатнашган дўстим билан жанговар орденлар ҳақида суҳбатлашиб ўтириб тортишиб қолдик. Хусусан «Ғалаба» ордени ва биринчи рақамли «Ғалаба» ордени кимга берилганлиги ҳақидаги фикримиз икки хил чиқиб қолди. Иложи бўлса бизга шу муаммони ҳал қилишга ёрдам берсангиз.

Жавоб: Олий ҳарбий «Ғалаба» ордени 1943 йилнинг 8 ноябрида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан таъсис этилган. Бир рақамли ёзилган «Ғалаба» ордени Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуковга, икки рақамли ёзилган «Ғалаба» ордени Совет Иттифоқи Маршали А. М. Василевскийга топширилган.

* * *

М. УСМОНОВА: Турмуш ўртоғим 1942 йилда ҳарбий хизматга кетган эди. Шундан кейин бизга хат-хабар келмади, ном нишонсиз йўқ бўлиб кетдилар. Айтингчи, менга Улуғ Ватан уруши қатнашчисининг оиласи сифатида квартира ҳақи тўлашда имтиёз бериладими ёки берилмайдими?

Жавоб: Махсус қарорда кўрсатилишича биринчи ва иккинчи группа Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар учун нафақа олаётган оилаларга эгаллаб турган турар жой майдони (норма миқдорида, яъни ҳар бир киши учун тўққиз квадрат метр) учун эллик процент миқдорида квартира ҳақи тўлаш имтиёзи берилади. Бинобарин, Сиз турмуш йўлдошингиз учун нафақа олаётган бўлсангиз шу имтиёздан фойдаланишга ҳақлисиз. Агар турмуш йўлдошингиз учун нафақа олмаётган бўлсангиз квартира ҳақини юз процент миқдорида тўлайверасиз.

∴ ∴ ∴

З. ҲАКИМОВ: Мен волейболчи бўлмоқчиман. Айтингчи, 14—15 ёшли болалар спортнинг бу тури бўйича қаерда шуғулланишлари мумкин?

Жавоб: «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида волейбол секцияси ҳам мавжуд. Сиз шу секцияда малака ҳосил қилишингиз мумкин. Жамият Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган. У ерга метро орқали бориш жуда қулай. «СССР 50 йиллиги» станциясидан юқорига чиқсангиз жамият биносига дуч келасиз.

∴ ∴ ∴

О. АКБАРОВ: Тошкент Давлат университетида ўқийман. Ёшлигимдан боксга қизиқаман. Жуда кўп ташкилотларга бордим. Лекин улар мени бокс секциясига қабул қилишмаяпти. Илтимос, менга шу спорт сирларини қаерда ўрганиш мумкинлигини айтиб берсангиз.

Жавоб: Сиз малакали спортчилар тайёрловчи тўгарак ва секцияларга учраган бўлсангиз керак. Бундай секцияларга разрядга эга бўлганлар қабул қилинади. Сиз ўз мақсадингизни амалга ошириш учун университетда жисмоний тарбия ўқитувчиси вазифасида ишловчи Мўминовга мурожаат қилишингиз лозим. У киши айни пайтда бокс секциясига тренерлик қилади. Секцияда оммавий разрядли спортчилар тайёрланади.

◆ БУ—ҚИЗИҚ

ЎТА СЕЗГИР ҚУЛОҚ

Франкфурт-Майнлик Франц Петрик шундай сезгир ва чиниққан эшитиш қобилиятига эгаки, у ҳаттоки приборлар пайқамайдиган товушларни ҳам фарқлай олади.

Петрик ишлайдиган электрон концернида ҳозирги замон техника қудрати бажара оладиган акустик ўлчов асбоблари ишлаб чиқарилади. Петрик ўзининг одатдан ташқари қулоқларини Англиянинг Ллойда агентлигида 500 минг маркага суғурта қилдирди.

«Ўзбекфильм» студиясининг янги маҳсулоти—«Музикани тинглаяпман» картинаси ҳар нарсада музикани эшита оладиган Комила исмли қиз ҳақида, болаликнинг мураккаб ички дунёси ҳақида ҳикоя қилади.
СУРАТДА: фильмдан бир кадр.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

КИНО

14 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОҚ ЛАЙЛАКЛАР МАМЛАКАТИДА» — **Москва.**

«АВИАЦИЯ МАРШАЛИ» — **Восток.**

«МЕНИНГ БИРИНЧИ ШАҲРИМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ИЗҚУВАР» — **Санъат саройи** (кичик зал, (17, 19.45, телефон: 44-39-51). **Тинчлик** (16.30, 21.00 телефон: 53-86-07).

«АРТИСТ»НИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87). **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76). **Ҳамза номли** (тоқ соатларда, телефон 91-10-51).

15 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БУНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН» — **Дружба.**

«ОҚ ЛАЙЛАКЛАР МАМЛАКАТИДА» — **Москва.**

«ХУШ КЕЛИБСАН, ЭСТОНИЯ!» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«АВИАЦИЯ МАРШАЛИ» — **Восток.**

«БЛЕФНИНГ ҲАЛОКАТИ» — **Лисунов номли.**

«МЕНИНГ БИРИНЧИ ШАҲРИМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ИЗҚУВАР» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.45, телефон: 44-39-51). **Тинчлик** (11, 12.30, 15.30, 16.30, 21.00, телефон: 53-86-07). **Мир** (11, 14, 17, 20.00, телефон: 91-08-30).

«АРТИСТ»НИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон: 53-65-87). **Искра** (16, 18, 19.45, телефон: 39-11-76). **Ҳамза номли** (тоқ соатларда, телефон: 91-10-51).

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНЛАРИ

ЧОПҚИР ОТЛАР ПОЙГАСИ УТКАЗИЛАДИ.

Отчопарда: тотализатор, буфет, аттракцион, от прокати ишлайди.

Метронинг «Собир Раҳимов» станциясидан автобуслар қатнайди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН
21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлайди.

Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 1 ва 3 йил. 3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАШИНГИЗ МУМКИН: кичик ветеринар фельдшер, чорвачилик фермаси механизатори, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, автослесар, кенг профилли тракторчи-машинистлар, Шофёрлик, автослесарлик-тракторчилик гувоҳномалари ҳам берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, 9 ёки 10-синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома ёки аттестат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» поселкаси (1, 16, 24-автобусларнинг «Троицкий муюлиши» бекати. Луначарский шоссесидаги «Центр» бекатидан «Тошкент—Ченгелди» «Тошкент—Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЁ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛАШ КОРХОНАСИНИНГ МАГАЗИН-ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

МАКУЛАТУРА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Прейскурант бўйича ҳақ тўланади.

Макулатура топшираётганда сиз амалдаги алмашув нормаларига кўра қуйидаги парфюмерия-косметика товарлари ва чинни буюмларни харид қилишингиз мумкин:

«Сигнатюр», «Ша-Ноар», «Бон-Шанс» атирлари;

«Флора», «Ахрамин» кремлари.

Чинни буюмлар—пиёлалар, шунингдек, консервалаш учун қопқоқлар.

МАЗКУР ХИЗМАТ ТУРИ АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИДИР.

МАГАЗИН-ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1—С. Раҳимов кўчаси, 1-уй;
2—Форобий проезди, Чиғатой бозори;
3—Қўйлиқ массиви, колхоз бозори;
4—Ташавтомаш массиви;
5—Уйғур кўчаси, Кўкча колхоз бозори;
6—Хуснобод кўчаси, «Нодира» маҳалласи;
7—Юнусобод массиви, колхоз бозори;
8—Фарҳод ярмаркаси;
9—Зиё Саид кўчаси, Генерал Узоқов кўчасининг муюлиши;
10—Қорақамиш массиви 1/3;
11—Қорақамиш массиви, 2/4;
12—Физкультурная кўчаси (тўқимачилик комбинати қаршисида);
13—Чилонзор массиви, 24-квартал, 53-уй, 18-квартира;
14—Чилонзор массиви, 18-квартал, 10«а»-уй, 17-квартира;
15—Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй, 17-квартира;
16—Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира;
17—Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира;
18—Спутник массиви;
19—Тимирязев кўчаси, 46-уй;
20—Олой бозори;
21—Уйғур кўчаси, Оқтепа проезди;
22—Циолковский кўчаси (касб касалликлари институти қаршисида);
24—Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй;
25—Бирлашган кўчаси, автостанция;
26—Высоковольтний массиви;
28—Первомайск колхоз бозори;
29—Строительная кўчаси, 38-уй;
31—Қўйлиқ массиви, 2-уй. Савдо маркази;
32—Луначарский шоссеси, 301-уй.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ ЧОРШАНБА, ПАЙШАНБА, ЖУМА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ. ТАНАФФУС СОАТ 13.00 ДАН 14.00 ГАЧА.

84-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАРГА ҚУРУВЧИ КАСБИНИ ЭГАЛЛАГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ДИПЛОМ БИЛАН БИРГА УМУМИЙ ЎРТА МАЪЛУМОТИ ТЎҒРИСИДА ҲУЖЖАТ БЕРИЛАДИ.

Билим юртида ўқиш даври (3 йил) **умумий меҳнат стажига қўшилади.**

САККИЗИНЧИ СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

10-синфни тамомлаган ҳамда Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича бир йил муддатли группа тузилади: ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ-МОНТАЖЧИ, ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, СИГНАЛИЗАЦИЯ, ТЕМИР ЙЎЛ ВА МЕТРОДА МАРКАЗИЙ БЛОКИРОВКА, ДУРАДГОР, БЎЁҚЧИ-СУВОҚЧИ.

Дарслар ўзбек ва рус тилида олиб борилади.

БИЛИМ ЮРТИ «СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **автоматика воситаларининг электр монтажчиси, телемеханиклар ва метрополитен ҳамда темир йўл транспорти алоқачилари, юқори кучланишли ҳаво симларини улайдиган линия электромонтёри, электр-газ пайвандчи-монтажчи, слесарь-сантехник, қурилиш машиналари ва технологияя ускуналари ремонти бўйича слесарь, ғишт терувчи-монтажчи, бўёқчи-сувоқчи, дурадгор, сувоқчи.**

Бадиий ижодкорликка мойил бўлган ёшлар ганч ўймакорлигини ўрганувчи бўёқчилар ҳамда ёғоч ўймакорлигини ўрганувчи дурадгорлар группасига қабул қилинадилар.

Билим юртида эркин кураш бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари тузилади. Спорт секциялари, электр-музика ҳамда миллий чолғу асбоблари, кино, бадиий сўз тўгараклари ишлаб турибди.

Ўқувчилар уч маҳал овқат, кийим-кечак ва иш кийими билан таъминланадилар, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Ўқишни тамомлаб, трестга ишга борганлар темир йўл транспорти ходимларига бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАР КОНКУРСДАН ТАШҚАРИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИБ ЎҚИЙДИЛАР.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, автобиография, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома ёки аттестат, иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), фотосурат (3х4 см).

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри —74, Ҳамза райони, Слоним кўчаси, 84-уй (8, 48, 80-автобуслар, 3, 23-трамвайларнинг «Котельная» бекати). Телефон: 96-17-61.

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР!

Ҳозир олдингизда касб танлаш масаласи турибди, касб одамнинг умрида бир марта танланади ва киши шу касбга садоқатли ва жиддий қараши керак.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ КОМБИНАТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АҲОЛИ БУЮРТМАСИ БЎЙИЧА ПОЙАФЗАЛ ТИКУВЧИ УСТАЛАР. Ўқиш муддати 1 йил, стипендия 30 сўм.

ПОЙАФЗАЛ ТУЗАТУВЧИ УСТАЛАР. Ўқиш муддати — 4 ой, стипендия 60 сўм.

Ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

АҲОЛИ БУЮРТМАСИ БЎЙИЧА МЕБЕЛЬ ЯСАШ ВА УЛАРНИ ТУЗАТИШ УСТАЛАРИ.

Ўқиш муддати 1 йил, стипендия 30 сўм.

Трикотаж буюмларини тайёрлаш ва ремонт қилиш бўйича тўкувчи.

Ўқиш муддати—6 ой. Стипендия—30 сўм.

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА КИРИТИЛАДИ.

Ўқишни тамом қилганларга Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига йўлланма берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, яшаш жойидан справка, 3 дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат.

Мурожаат учун адрес: 700053, Тошкент шаҳар, Киров район, Минг ўрик кўчаси 9-уй (19, 47, 102, 115, 121-автобуслар, 2, 16-трамвайларнинг «Узбексельмаш» заводи» бекати). 35-25-64. телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

1980—81 ўқув йили учун

маиший хизмат кўрсатиш мутахассислари тайёрлаш бўйича қисқа муддатли курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Эркаклар ва аёллар трикотаж кийимларини тўқийдиган ва ремонт қиладиган усталар (қизлар, ўқиш муддати 6 ой, стипендия 30 сўм), **кенг профилдаги фотограф усталар** (фотограflар, ўқиш муддати 9 ой, стипендия 30 сўм), **эркаклар салонларида ишловчи сартарошлар** (ўқиш муддати 6 ой, стипендия 30 сўм), **якка буюртма бўйича мебель ясайдиган ва уларни тузатадиган усталар** (ўқиш муддати 9 ой, стипендия 30 сўм).

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишни тугатганлар Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига ишга юборилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 8 та фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси. Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

8— 10 синф ҳажмида маълумотли ёшлар қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Киров райони, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй (19, 47, 102, 115, 121-автобуслар, 2, 16-трамвайларнинг «Узбексельмаш заводи» бекати).

Б. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8—10-синф битирувчиларини қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

УСКУНАЛАР МОНТАЖИ ВА РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЕР, ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ФРЕЗЕРЧИ-УНИВЕРСАЛ, ЭЛЕКТРПАЙВАНДЧИ, ИЙҒУВЧИ-СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, АСБОБСОЗ-СЛЕСАРЬ, ИЙНУВЧИ-СИЛЛИҚЛОВЧИ.

Ўқиш муддати: 8-синфни битирганлар учун —3 йил, 10-синфни битирганлар учун — 1 йил.

Ўқиш даврида ўқувчиларга стипендия тўланади, шуниигдек, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процепти тўланади (10-синфни битирганлар), **бепул уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва практика давридаги иш ҳақининг 33 процентн** (8-синфни битирганлар) **бериладн.**

Турли хил бадиий ҳаваскорлик ва техника ижоди тўгаракларида ҳамда спорт секцияларида ҳар ким ўз кўнглига ёққан машғулоти билан шуғулланиши мумкин.

Билим юртида 50 метрли тир, спорт зали, ўйин ва гимнастика майдончаларидан иборат яхши жиҳозланган спорт комплекси, ҳайдовчилик машғулотлари учун шароит мавжуд.

Билим юртида отиш, бокс, курашнинг барча турлари бўйича ихтисослашган спорт группалари ташкил этилади.

Спорт группаларининг ўқувчилари кучайтирилган овқат, спорт формаси ва инвентари билан таъминланадилар.

Битирувчилар Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар. Улар бирлашма ходимлари учун кўзда тутилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 6 та фотосурат (4х5 см, ихтисослашган группаларга кирувчилар учун классификацион билет).

Ҳужжатлар 28 августгача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Лисунов кўчаси, 1-квартал, 82 «а»-уй — 61-мактаб ёнида (48, 80-автобусларнинг сўнгги бекати, 30-автобус, 29-трамвайларнинг «Етоқхона» бекати).

Бирлашманинг кадрлар бўлими биносида жойлашган қабул комиссияси соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

ПРОРАБЛАР, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ, КОЛХОЗ РАИСЛАРИ, СОВХОЗ ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг

РЕСПУБЛИКА РАДИОЭШИТТИРИШ, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЗЕЛИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА РЕСПУБЛИКАНИНГ ҚАТОР РАЙОНЛАРИ БЎЙЛАБ МУҲИМ ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛЛАРИ ЕТКИЗИЛГАНЛИГИ ВА ИШЛАБ ТУРГАНЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

Алоқа линияларини муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ кабелнинг ҳар икки томонида 2 метрдан муҳофаза зонаси ажратилган.

Муҳофаза зонаси билан боғлиқ бўлган барча ишлар—тупроқ текислаш, траншея, шурф, котлован қазиш, шунингдек граждан биноларини қуриш—келишилган ҳолда, зарур бўлган тақдирда кабель хизмати вакили иштирокида бажарилиши керак.

АНА ШУ ҚОИДАНИ БУЗГАН ВА ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛИНИ ШИКАСТЛАНТИРИШДА АЙБДОР БЎЛГАН ШАХСЛАР ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРДИККА ТОРТИЛАДИЛАР, УЛАРДАН ДАВЛАТГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УНДИРИБ ОЛИНАДИ.

Қазиш ишларига рухсат халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари архитекторларидан олиниши керак.

Кабель трассаси ўтган жойларга темир-бетон устунчалар ва огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилган бўлиб, уларда кабель участкасининг адреси ва телефон номери кўрсатилган.

Кабель зонасида ёки унинг яқинида ер қазиш ишлари ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение узели кабель участкасига қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700097, Тошкент шаҳри—97, Чилонзор массиви, 6-квартал, 15 «а»-уй. Телефонлар: 78-37-98, 78-35-10.

СССР Алоқа министрлиги 4-Иттифоқдош магистраль алоқа ва телевидение техник узелининг кабель участкаси қуйидаги адресга жойлашган: 700152, Тошкент шаҳри—152, Чилонзор массиви, В-22, 11-уй. Телефонлар: 76-36-31, 76-36-37, 53-20-25, 53-64-14.

КЕЛИШМАСДАН ТУРИБ ҚАЗИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИЗ!

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН!

Алоқа кабель магистралига шикаст етказиш давлатга катта зарар етказади ва унда ишлаётганлар ҳаётн учун хавфлидир!

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА РАДИОЭШИТТИРИШ, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЗЕЛИ.

ТОВАРЛАР — ХАЛҚҚА!

«ОРБИТА» МАРКАЗИЙ КОММЕРЦИЯ-РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.

«МЕРИДИАН» ПЛАНЕТА ЯНГИЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

Саккиз диапазонли «Меридиан» транзисторли приёмниги давлат Сифат белгисига сазовор бўлган.

Юқори даражадаги сезгирлик ва тўлқинларни аъло сифатли тутиш «Меридиан»га энг олис радиостанцияларни ҳам аниқ ва ишончли қабул қилиш имконини беради.



Ультра қисқа тўлқинли диапазонда уч станцияга мослаб созланганлиги, юқори ва паст овоз частоталари бўйича тембрнинг алоҳида регулировка қилиниши, универсал озиқланиш (тармоқдан ва «373» типидаги элементлардан), автоном қувватланиш батареяларини ярокллик индикатори, диапазонларнинг қулай, кнопкали алмаштирилиши — бу моделнинг афзалликларидир.

Баҳоси —141 сўм.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

14 АВГУСТ ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.10 «Ёғоч оқизиш». Телеочерк. 18.55 «Олимпиада-80». 22 июль кинокундалиги. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Меҳнат шоншуҳрати байроқдорлари». Калининград денгиз балиқчилик порти коллективи ҳақида. 19.45 Доруджан Давлат ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти (Болгария). 20.25 «Албион далаларида». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Ф. Лист асарларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Горностаева ижро этади. (фортепьяно).

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Поэзия». Н. Заболоцкий. 24.00 Москва курсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Кутилмаган Мишка ҳақида». Болалар учун кўгирчоқ фильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ноқоратупроқ горизонтлари». 1-кўрсатув. 19.00 Ёзувчилар пахта далаларида. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ноз-неъмат бунёдкори». 20.00 «Ёшлар кўрсатади». Узбекистон рассомлар Союзи кўргазма залидан репортаж (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиосининг солисти Ж. Раҳимов ва «Гўзал» ансамблининг солисти Г. Одилова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 А. Навоий номли Давлат академик Катта театрининг 50 йиллигига. М. Ашрафий, С. Василенко. «Бўрон». 01.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм, «Бувим ухлагач...». 20.45 Врач маслаҳати. 21.00 «Николай Трофимов». Фильм-портрет (рус.). 22.00 «В. Калиновскал ва В. Круглов рақсга тушади». Фильм-балет. 22.30 «Анничка». Бадиий фильм.

15 АВГУСТ —ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Мультфильмлар программаси. «Этик кийган мушук», «Сеҳрли кутича». 10.35 Болалар учун. «Уч қувноқ смена». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-фильм. 11.40 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси симфоник оркестри ижросида совет композиторларининг асарлари. 12.20 РСФСР халқ артисти Н. Трофимов, РСФСРда хизмат кўрсатган артист С. Юрский, артист Г. Гай совет ёзувчиларининг асарларидан ўқийдилар. Фильм-концерт. 12.55 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳиндистон мустақиллик кунига. «Бокаро металлургия комбинати». Ҳужжатли фильм. 15.40 «Жонажон табиат». 16.00 «Чобанаш». Фильм-концерт. 16.30 «Сизга манзур шеърлар». 17.00 «Москва ва москваликлар». 17.30 «Қўшиғимда сени излайман». Г. Мингаслн куйлайди.

18.00 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССРда хизмат кўрсатган учувчи М. М. Громов билан учрашуви. 18.35 «Олимпиада-80». 23 июль кинокундалиги. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Мцири». Фильм-балет. 20.25 «Албион далаларида». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти Е. Образцова ва Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғу асбоблари академик оркестрининг концерти. Танаффус пайтида (22.55) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 23.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Қадрдон уй». Ҳужжатли фильм. 11.55 «Неварам йўқолди». Болалар учун кўгирчоқ фильм. 12.15 А. С. Пушкин. «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак». Республика кўгирчоқ театрининг спектакли. 12.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин қадамжолари бўйлаб». 13.00 «Шаҳзода ва гадо». Телевизион бадиий фильм (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Вар том остида». Болалар учун мультфильм. 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ноқоратупроқ горизонтлари». 2-кўрсатув. 19.00 «Фестиваль учрашувлари». Ҳужжатли фильм. 19.15 «Биллур денгиз» ижодкорлари». Андижон сув омбори қурувчилари ҳақида телеочерк. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод гулшани». Тележурнал. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Оламда нима гап!». Халқаро воқеалар шарҳи. 22.35 «Эртага— премьера». Кинокўрсатув (рус.). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Волочаевка болалари». 20.50 «Океан залларида». Ҳужжатли фильм. 21.30 «Қуёшли ўлка маршрутлари бўйлаб» (рус.). 21.50 «Хамкорлик». Ҳужжатли фильм. 22.40 «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.

4 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

14 АВГУСТ, 1980 й. Р—03139 Узбекистон Компартияси Марказий Коми тети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2140.